



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№37 (990)

2026 йил 19 май, сешанба

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Пойтахтнинг янги қиёфаси яратилмоқда

XXI аср шаҳри энди оддий инфратузилмалар йиғиндиси эмас – у технологиялар, маданият, иқтисодиёт ва инсон манфаатлари уйғунлашган мураккаб тизимга айланмоқда. Тошкент ҳам айнан шу йўналишда изчил ривожланаётган шаҳарлар қаторидан жой олмоқда. Сўнгги йилларда пойтахтда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва реконструкция ишлари нафақат ташқи қиёфани янгилamoқда, балки шаҳар бошқаруви фалсафасини ҳам ўзгартирмоқда. Эндиликда асосий эътибор “инсон учун қулай шаҳар” концепциясига қаратилмоқда.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган навбатдаги пресс-тур ҳам айнан ана шу ўзгаришларнинг амалий натижаларини кўрсатишга хизмат қилди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари пойтахтдаги туртта

муҳим локацияда бўлиб, рақамли бошқарув тизимлари, замонавий таълим муҳити, тарихий-маданий ҳудудларни реконструкция қилиш ва тунги иқтисодиётга хизмат қилувчи гастрономик кўча лойиҳалари билан танишди.

Пресс-тур иштирокчилари бугунги Тошкент нафақат қурилиш майдонига, балки янги урбанистик тафаккур шаклланаётган маконга айланаётганининг гувоҳи бўлишди. Бу жараёнларда рақамли технологиялар, экологик муҳит, иқтисодий фаоллик ва фуқаролар манфаатлари бир нуқтада туташмоқда.

– Бугунги пресс-турни анчадан буюн кутаётгандик, – деди Мирзо Улугбек тумани ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари Маъмуржон Пармонов. – Чунки “Ақлли туман” платформасининг имкониятларини кенг жамоатчиликка етказиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда давлатимиз раҳбари томонидан рақамлаштириш жараёнларига алоҳида эътибор қаратилаётгани ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштирмоқда. Мирзо Улугбек тумани ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган вазиятлар маркази эса туман ҳаётини рақамлаштиришга хизмат қилувчи ягона бошқарув платфoрмаси сифатида фаолият юритмоқда. Мазкур тизим орқали турли соҳалардаги жараёнларни реал вақт режимида мониторинг қилиш имконияти яратилган. Мазкур тизим сунъий интеллект технологиялари билан интеграция қилинган ҳолда ишлайди ва “Ақлли туман” платформаси орқали барча маълумотларни тақдим этади. Бу эса, вақтни тежаш, муурожаат ва муаммоларни тезкор ҳал этиш ҳамда бошқарув самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.



▲ Мирзо Улугбек туманидаги вазиятлар маркази.



▲ Амир Тему́р хибони.



▲ Хибондаги пресс-тур жараёни.



▲ Тадбирдан лавҳа.

Нукус шаҳрида пресс-тур ташкил этилди

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан Нукус шаҳрида амалга оширилаётган йирик қурилиш ва инфратузилма лойиҳалари билан яқиндан таништириш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари, журналистлар ва блогерлар иштирокида пресс-тур ташкил этилди.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Пресс-тур давомида иштирокчилар шаҳар ҳудудида қурилатган ва реконструкция қилинаётган муҳим объектлар билан танишиб, мутахассислардан батафсил маълумот олишди. Ху-



▲ Нукус шаҳридаги қурилиш объектларида пресс-тур ташкил этилди.

сусан, иштирокчилар дастлаб “Наўпир” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида барпо этилаётган кўп қаватли уй-жойлар қурилиши билан танишдилар. Ушбу ҳудудда “Max elit stroy” МЧЖ томонидан 135 хонадонли 3 та кўп қаватли турар жой биноси ҳамда “Gayuz magnat” МЧЖ томонидан 150 хонадонли кўп қаватли турар жойлар қурилиши ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, “Турон” МФЙ ҳудудида жойлашган “Турон” стадиони қурилиши ишлари ҳам кўздан кечирилди. Стадион қурилиши яқин кунларда ниҳоясига етиши кутилмоқда. Бу ерда умумий қиймати 101 миллиард 846 миллион сўмлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Қурилиш ишлари якунлангач, стадион 12 минг томошабинга мўлжалланган, халқаро стандартларга жавоб берадиган, замонавий инфратузилмага эга спорт мажмуасига айланади. Нукусликлар яқин кунлар ичида замонавий стадионда ўз сеvimли жамоасининг футбол ўйинларини томоша қилиш имконига эга бўладилар.

Бугунги кунга қадар ушбу объект 72,5 миллиард сўмга молиялаштирилган бўлиб, “Nasaf mega stroy” МЧЖ томонидан 72,0 миллиард сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилган.

Шундан сўнг, пресс-тур иштирокчилари Нукус илгор касб-хўнар техникуми биносида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 27 декабрдаги “Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мазкур техникум биносини реконструкция қилиш белгиланган.

Объектнинг тендер баҳоси 28,3 миллиард сўм бўлиб, шундан, 12,9 миллиард сўм молиялаштирилган. Бугунги кунда “Ustyurt trans” МЧЖ томонидан 6,8 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Пресс-тур давомида журналистлар “Жеке терек” МФЙдаги “Dek stroy” МЧЖ томонидан қурилатган 16 қаватли 80 хонадонли кўп қаватли уйларнинг бугунги ҳолати билан танишишди.

Бир неча йил аввал Нукус шаҳридаги “Жеке терек” маҳалла фуқаролар йиғинида 16 қаватли 80 хонадонли 5 та бино қад ростлаб, атрофи обод-доллаштирилиб, янги инфратузилма яратилгач, кўплаб оилалар янги уй-жойга эга бўлган эди. Ҳозирги вақтда бу ер янада гўзаллашиб, шаҳарча ичидаги кичик шаҳарчага айланган. Ўтган йили бу ерда яна 16 қаватли 80 хонадонли 4 та иморатнинг қурилиш ишлари бошлаб юборилган эди. Айни пайтда уларнинг деворларини тиклаш ишлари тўлиқ якунланиб, деворини газобетон билан қоплаш, суваш, қоплаш ишлари олиб борилмоқда.

– Биз бу ерда 45 киши бўлиб ишляапмиз, – деди “Dek stroy” МЧЖ иш бошқарувчиси Сағинбай Оразбаев. – Жамиятимиз томонидан 3 та бинода иш олиб борилмоқда. Бу ердаги қурувчилар учун барча шароитлар яратилган. Уч маҳал иссиқ овқат, ойликлар ўз вақтида берилади. Қурилиш ишларини сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш учун барча имкониятимизни ишга соляпмиз.

Пресс-тур давомида ОАВ вакиллари томонидан қурилиш ишларининг сифати, муддатлари, лойиҳа қуввати ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш бўйича берилган барча саволларга мутахассислар батафсил жавоб қайтаришди.

Қисқача айтганда, пресс-тур иштирокчилари олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишиш жараёнида Нукус шаҳрининг янада кўркам қиёфага кириб, аҳоли учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратилаётганига гувоҳ бўлишди.

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ: кеча ва бугун

▲ “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ ходимлари иш жараёнида.



Бугун Ўзбекистонда бунёдкорлик кўлами ҳар қачонгидан кенгайиб бормoқда. Янги турар жой массивлари, замонавий ижтимоий объектлар, ишлаб чиқариш корхоналари, инфратузилма тармоқлари ва муҳандислик иншоотлари мамлакат тараққиётининг муҳим белгиларидан бирига айланди.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Айниқса, кейинги йилларда қурилиш индустриясининг жадал ривожланиши нафақат шаҳарлар қиёфасини, балки одамларнинг турмуш тарзини ҳам тубдан ўзгартирмоқда. Сўнгги тўққиз йил давомида 210 миллион квадрат метр турар ва нотурар жой объектларининг фойдаланишга топширилгани бу йўналишдаги ишloхотлар нақадар кенг қўлам касб этганини яққол кўрсатади.

Бироқ ҳар қандай бунёдкорлик жараёнида энг муҳим масалалардан бири – хавфсизлик, сифат ва барқарорлиқдир. Ҳар бир бино ёки иншоот ортида пухта ҳисоб-китоб, меъёрий талаблар ва чуқур таҳлил ётади. Ана шу жараённинг марказида лойиҳа-смета хужжатлари экспертизаси туради. Шу маънода, бугунги кунда “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ фаолияти қурилиш тизимининг ажралмас бўғинига айланган.



▲ “Турон” стадиони.



uzbunyodkor.uz



info@uzbunyodkor.uz



uzbunyodkor



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkor



qurilish.today



“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ: кеча ва бугун

➔ **1** Марказнинг ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги “Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан бевосита боғлиқдир. Дастлаб мазкур хужжат асосида “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertizasi” давлат унитар корхонаси ташкил этилди. Орадан беш йил ўтиб, 2023 йил 28 августдаги Президент фармониغا мувофиқ, ушбу тизим давлат муассасаси шаклидаги “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” сифатида қайта ташкил этилди. Бу эса, тизим фаолиятини янада такомиллаштириш, бошқарув самарадорлигини ошириш ва замонавий талаблар асосида ривожлантиришга хизмат қилди.

Бугунги кунда марказ ва унинг ҳудудий бошқармалари мамлакатдаги энг муҳим қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказётган йирик профессионал тизимга айланган. Ҳозирда муассасада 176 нафар эксперт фаолият юритаётгани ҳам соҳада малакали кадрлар салоҳиятига катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради. Айниқса, қурилиш жараёنларини рақамлаштириш борасидаги ишлар алоҳида эътиборга лойиқ. Бугун лойиҳа-смета хужжатларини экспертизадан ўтказиш жараёнлари “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали тўлиқ электрон шаклда амалга оширилмоқда. Бу эса, инсон омилини камайтириш, ортиқча бюрократик тўсиқларнинг олдини олиш ҳамда эксперт хулосаларини сунъий кечиктириш ҳолатларини бартараф этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилапти.

Аваллари лойиҳачилар бир уюм қоғозлардан ташкил топган лойиҳаларни тасдиқлаштиш учун идорама-идора олиб юрган бўлса, ҳозирги рақамлашган замонда тизимга электрон тарзда юклаш орқали ўз вақтини тежамоқда.

Рақамлар таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, жорий йилнинг биринчи чораги давомида марказ ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан қурилиши режалаштирилган объектларга оид 3 минг 88 та лойиҳа-смета хужжатига йилга эксперт хулосаси тақдим этилди. Бу кўрсаткич тизимнинг қанчалик катта ҳажмдаги лойиҳалар билан ишлаётганидан далолатдир. Энг муҳими, экспертиза жараёнида лойиҳа ечимларини такомиллаштириш, норматив хужжатларга мослаштириш ҳамда асосис харажатларни қисқартириш орқали 1 триллион 455,7 миллиард сўм маблағ иқтисод қилинган. Бу, нафақат иқтисодий самарадорлик, балки давлат маблағларидан оқилона фойдаланиш борасида ҳам муҳим натижа ҳисобланади.



➔ Дилшод Тошпўлатов шотирлари билан иш жараёнида.

Экспертиза жараёнида қўриб чиқилган лойиҳалар турли давлат дастурларини қамраб олгани билан ҳам аҳамиятлидир. Жумладан, Инвестиция дастури, “Ташаббусли бюджет”, “Худудларни жадал комплекс ривожлантириш”, “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш”, “Қамбағалликдан фаровонлик сари” дастурлари ҳамда драйвер лойиҳалар доирасидаги объектлар чуқур таҳлил қилинди. Бу эса, марказ фаолияти мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари билан бевосита чамбарчас боғланганини кўрсатади.

Бугунги глобаллашув даврида қурилиш соҳаси олдига фақат тез ва кўп қуриш эмас, балки экологик барқарор, энергиятежамкор ва замонавий стандартларга мос объектлар яратиш вазифаси ҳам қўйилмоқда. Шу нуктага назардан, энергия самарадорлигига қаратилган лойиҳаларнинг экспертизадан ўтказилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жорий йилнинг биринчи чораги давомида айнан шу йўналишдаги 123 та лойиҳа-смета хужжатларига эксперт хулосалари берилгани бунинг амалий ифодасидир. Шунингдек, сугориш тизимларини яхшилаш, электр энергиясини барқарор етказиб бериш ҳамда хусусий сектор томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ҳам экспертиза жараёнидан ўтказилиши тизим фаолиятининг қамрови тобора кенгайиб бораётганини аңглатади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда экспертиза тизимида сейсмик хавфсизлик масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Объектларнинг зилзилабардошлиги, конструкцияларнинг мустаҳкамлиги ва техник хавфсизлик кўрсаткичлари кучайтирилган назорат асосида таҳлил қилинмоқда. Бу эса, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, узоқ мuddат хизмат қиладиган ва ишончли бинолар барпо этишнинг муҳим қафолатидир.

Фидойилик ва тажриба уйғунлашган умр йўли

Ҳар қандай тизимнинг муваффақияти аввало, унда фаолият юритаётган инсонларнинг фидойилиги, тажрибаси ва касбига бўлган муҳаббати билан белгиланади. “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ тизимида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган мутахассислардан бири – Дилшод Тошпўлатовнинг ҳаёт йўли ҳам бунинг ёрқин мисолидир.

Қаҳрамонимиз Дилшод Тошпўлатов азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Урта мактабни муваффақиятли тамомлагач, Тошкент транспорт институтининг Қурилиш факультетига ўқишга киради. Бу соҳани танлаш эса оддий тасодиф эмас, балки болалиқдаги орзу ва устозлар таъсири билан боғлиқ эди. Дилшод ака ўша давр хотираларини илиқ ҳиссиёт билан эслайди:

– Мактаб даврида рус тили устозимиз бўларди. Ҳар бир дарсда турли шеър ва диалоглар орқали бизни илмга қизиқтирар эди. Бир куни “Келажакда ким бўлмоқчисиз?”, деб ҳаммамиздан сўраб қолди. Ўшанда мен “қурувчи бўламан” деб жавоб бергандим. Шу-шу, қалбимда инженер бўлиш орзуси уйғонди ва айнан шу соҳага меҳр қўйиб кириб келганман.

Олий таълимни тамомлагач, Дилшод Тошпўлатов ўз меҳнат фаолиятини ТашЭНИЕП лойиҳа институтида бошлади. Ёш бўлишига қарамай, фаолиятнинг илк йилларидаёқ катта лойиҳаларда иштирок этиб, тажриба тўплади. Хусусан, Тошкент шаҳрининг рамзий иншоотларидан бири ҳисобланган “Ўзбекистон” меҳмонхонаси лойиҳаси устида ҳам самарали меҳнат қилган. Йиллар давомида оддий инженерликдан бош инженер лавозимигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтган мутахассиснинг фаолияти меҳнатсеварлик, қатъият ва касбига садоқат намунаси бўлиб хизмат қилади.

Халқимизда “Дарахт ҳам бир жойда қўкаради” деган ҳикматли нақл бор. Бу ибора айнан Дилшод Тошпўлатов ҳаётига жуда мос келади. Чунки у қарийб 30 йилдан ортиқ вақт давомида лойиҳа институтида самарали фаолият юритиб, 1997 йилдан бошлаб давлат экспертиза бошқармасида иш фаолиятини давом эттирди. Бугунги кунгача ҳам ушбу тизим билан чамбарчас боғлиқ ҳолда фаолият олиб бормоқда.

Дилшод Тошпўлатов нафақат ўз ишининг устаси, балки ёш мутахассислар учун ҳақиқий устоз ҳамдир. У “устоз-шогирд” аънаналари асосида лойиҳаларнинг бош режалари, конструктив ечимлар, архитектура ва қурилиш йўналишлари бўйича ўз билим ва тажрибасини

ёшларга сидқидилдан ўргатиб келмоқда. Жамоа билан ишлашдаги самимияти, масъулияти ва профессионалиги туфайли ҳамкасблари орасида алоҳида ҳурмат қозongan.

Дилшод ака бугун нафақада бўлишига қарамай, тизимдан узоқлашгани йўқ. Аксинча, ёш мутахассисларга тажриба улаштиш, уларни илмга ундашни ўзининг маънавий бурчи, деб билади.

– Ёшларга доим ўз устинида ишланг, илм олдинг, деб насихат қиламан, – деди у суҳбат давомида. – Ҳозир кўпроқ билим олиб, ўз соҳангизда етуқ мутахассис бўлсангиз, пулнинг ўзи сизни излаб келади. Шунинг учун фақат моддий манфаат ҳақида эмас, илм олиш ҳақида ўйлаш керак.

“Бешиқдан қабргача илм изла” ҳикмати-ни ҳаётий шиорига айлантирган қаҳрамонимиз бугунги рақамли технологиялар даврида ҳам замондан ортда қолмасликка интилмоқда. Сунъий интеллект, рақамлаштириш ва замонавий технологиялар кириб келган бугунги жараёнларда ҳам янги билимларни ўзлаштиришни давом эттирмоқда.

– Аввалига мен каби ёши катта ходимлар учун бу тизимлар қийин бўлди. Ҳаммаси янгилик эди. Аммо ҳаракат ва ўрганиш орқали бу қийинчиликларни ҳам енгиб ўтдик, – деди Дилшод Тошпўлатов.

У киши узоқ йиллик самарали меҳнатлари туфайли давлатимиз томонидан бир қатор кўрак йишонлари билан тақдирланган. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик ҳамда муассаса раҳбарияти томонидан фахрий ёрликларга сазовор бўлган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, тараққиёт фақат кўп қуришда эмас, балки пухта, хавфсиз ва келажак талабларига жавоб берадиган объектларни барпо этишда ҳам намоён бўлади. “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ эса ана шулкан жараёнинг ишончли таянчи сифатида фаолият юритмоқда.

➔ Ўзбекистон овози кўчаси.



Пойтахтнинг янги қиёфаси яратилмоқда

➔ **1** “Ақлли туман” – рақамли бошқарувнинг янги босқичи

Пресс-турнинг дастлабки манзили Мирзо Улугбек туманида амалга оширилаётган “Ақли туман” лойиҳаси бўлди. Бу ташаббус оддий электрон тизим эмас, балки шаҳар бошқаруви-ни тубдан ўзгартиришга қаратилган янги модел сифатида намоён бўлмоқда.

Бугунги замонавий дунёда “ақлли шаҳар” концепцияси энг долзарб урбанистик йўналишлардан бири ҳисобланади. Рақамлаштириш орқали шаҳар ҳаётининг барча соҳаларини ягона тизимга интеграция қилиш, ресурслари самарали бошқариш ва аҳолига тезкор хизмат кўрсатиш мазкур концепциянинг асосий мақсадидир. Тошкентда жорий қилинаётган “Ақли туман” модели эса ана шу глобал тажрибанинг маҳаллий шакли сифатида эътиборни тортмоқда.

Лойиҳа доирасида қарийб 30 та вазирлик ва идоранинг 50 дан ортиқ ахборот тизими ҳамда 200 дан зиёд рақамли сервис ягона платформага бириктирилгани тизимнинг қамрови нақадар кенг эканини кўрсатади. Энг муҳими, бу тизим оддий статистик маълумот йиғувчи база эмас, балки реал вақт режимида ишловчи таҳлилий платформадир.

Платформанинг интеллектуал ахборот-таҳлил тизими иқтисодиёт, инвестиция, экспорт, хавфсизлик, экология, коммунал хўжалик, қурилиш ва фуқаролар муносабатлари каби етти устувор йўналиш бўйича маълумотларни таҳлил қилади. Натижада муаммоларни тез аниқлаш, хавф-хатарларни олдиндан прогноз қилиш ва тезкор қарор қабул қилиш имконияти пайдо бўлади. Бу ерда энг эътиборли жиҳатлардан бири – ҳокимнинг виртуал ассистенти ва ягона Call-markaz тизимидир. Бу энди бошқарувнинг анъанавий бюрократик шаклидан босқич-босқич воз кечилаётганини аңглатади. Фуқаролар муносабатлари қоғозлар орасида қолиб қетадиган давр аста-секин ортда қолмоқда. Рақамли бошқарув эса шаффофлик ва тезкорлиқни таъминлашга хизмат қилапти.

– Мазкур “Ақли туман” лойиҳаси республика миқёсида илк бор Мирзо Улугбек туманида ишга туширилди, – деди “Узинфосом” компанияси лойиҳа менежери Нурбек Ўлустов. – Тизим мактаб ва таълим-тарбия муассасалари, спорт ҳамда ёшлар йўналишлари, маҳаллалар, Ижтимоий ҳимоя агентлиги, молия-иқтисод соҳасига оид статистика кўмиталари, шунингдек, бошқа вазирлик ва идораларнинг барча рақамли сервисларини ягона платформага интеграция қилган. Бу эса, ҳудуддаги муаммоларни тезкор аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ва қисқа муддатда самарали ечим ишлаб чиқиш имконини беради. Шу билан бирга, тизим марсофадан туриб бевосита мулоқот ўрнатиш имкониятини ҳам яратди. Айнан ана шу қулайлик ва самарадорлик давлатимиз раҳбари томонидан ҳам юқори баҳоланди. Эндиликда мазкур тажрибани бошқа туманлар ва вилоятларда ҳам босқичма-босқич жорий этиш режалаштирилган. Ҳозирда Андижон вилоятида ушбу тизимни йўлга қўйиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилган.

“Тошкент тажрибаси” лойиҳаси ҳам айнан шу тизимнинг давоми сифатида шаклланмоқда. Хусусан, school.tashkent.uz платформасининг



➔ Мирзо Улугбек туманидаги 556-сонли МТМ.

Тарихий хотира ва замонавий шаҳарсозлик уйғунлиги

Тошкентнинг рамзий масканларидан бири ҳисобланган Амир Темур хиёбони пойтахтнинг тарихий, маданий ва маънавий марказларидан бири саналади. Пресс-тур давомида мазкур худудда амалга оширилган реконструкция ва обodonлаштириш ишлари журналистларда катта таассурот қолдирди.

Аслида ҳар қандай шаҳарни унинг тарихий маконлари орқали аңглаш мумкин. Амир Темур хиёбони ҳам ана шундай рамзий худудлардан бири ҳисобланади. Шу боис, бу ерда олиб бoрилган ишлар оддий обodonлаштиришдан кўра кенгрок маънога эга. Лойиҳа доирасида ёлгорлик мажмуасининг реконструкция қилингани, қарийб 11 минг квадрат метр брусчатка ётқизилгани, фавворалар ва ёритиш тизимининг янги-лангани худуднинг эстетик қиёфасини сезиларли даражада ўзгартирган.

Хиёбонда амалга оширилган қўламазорлаштириш ишлари ҳам экологик мувозанат нуктаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. 16 минг тул гул, 158 тул дарахт, 57 минг тул бута ва 44 минг квадрат метр газон ташкил этилгани Тошкентнинг “яшил шаҳар” концепциясига интилаётганини кўрсатади. Шунингдек, тунги ёритиш тизимининг яхшиланиши хавфсизлик ва туризм нуктаи назаридан ҳам аҳамиятлидир.

Амир Темур хиёбонидаги ўзгаришлар яна бир жиҳатни кўрсатмоқда: тарихий худудларни сақлашдан ҳолда уларни замонавий урбанистик талабларга мослаштириш мумкин. Бу эса, Тошкентнинг ўз тарихий руҳини йўқотмаган ҳолда модернизация қилинаётганини аңглатади.

Тунги иқтисодиёт ва янги шаҳар маданияти

Пресс-турнинг энг эътиборли манзилларидан бири Мирзо Улугбек туманидаги Ўзбекистон овози кўчаси бўлди. Ушбу худуд 24/7 фаолият юритувчи гастрономик кўча сифатида шакллантирилмоқда.

Сўнгги йилларда дунё шаҳарларида “тунги иқтисодиёт” тушунчаси кенг ривожланмоқда. Бу ресторанлар, кафелар, кўнгилочар масканлар ва хизмат кўрсатиш объектилари орқали шаҳар иқтисодиётининг кечки ва тунги фаолиятини оширишни аңглатади. Тошкентда ҳам бу йўналиш босқичма-босқич шаклланмоқда. Ушбу кўча эса ана шу янги урбанистик концепциянинг амалий намунаси сифатида кўрилмоқда.



Келажак авлод учун яратилаётган қулай муҳит

Пресс-тур иштирокчиларининг навбатдаги манзили Мирзо Улугбек туманидаги 556-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти бўлди. Дастлаб қараганда бу оддий таъмирдан чиқарилган бoгча бўлиб қўрилиши мумкин. Аммо аслида, мазкур маскан орқали бугунги давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири – инсон капиталига инвестиция масаласи яққол намоён бўлмоқда.

556-сонли МТТда амалга оширилган реконструкция ишлари ҳам айнан шу тамойил асосида олиб бoрилган. Муассаса худудининг тўлиқ обodonлаштирилгани, болалар учун хавфсиз ва қулай ўйин майдончалари ташкил этилгани бугунги таълим инфратузилмаси қандай бўлиши кераклигини кўрсатади. Айниқса, ранг-баранг ўйин элементлари, спорт жиҳозлари ва ривожлантирувчи воситалар билан бойитилгани худуднинг фақат вақт ўтказиш жойи эмас, балки ривожланиш маконига айланганини аңглатади.

Шунингдек, таъмирдан сўнг тарбияланувчилар қамровининг ошгани ҳам муҳим кўрсаткичдир. Чунки бугунги урбанизация шароитида мактабгача таълим муассасаларига бўлган эътиёж ортиб бормоқда. Аҳоли сонининг кўпайиши, янги турар жой массивларининг пайдо бўлиши боғчалар сонини кўпайтириш ва мавжудларини модернизация қилишни талаб этмоқда.

Тошкент янги давр шаҳарига айланмоқда

Пресс-тур давомида намойиш этилган лойиҳалар бир-бирини мазмун ва йўналиш жиҳатидан фарқ қилса-да, уларни бириктирувчи умумий – инсон учун қулай, замонавий ва барқарор шаҳар яратиш гоиси мавжуд.

“Ақли туман” лойиҳаси рақамли бошқарувнинг янги босқичини бошлаб бераётган бўлса, 556-сонли МТТ инсон капиталига қаратилган инвестициянинг амалий ифодасига айланади. Амир Темур хиёбони тарихий хотира ва замонавий урбанистика уйғунлигини кўрсатган бўлса, Ўзбекистон овози кўчаси янги иқтисодий ва маданий макон сифатида шаклланмоқда. Энг муҳими, бу лойиҳалар Тошкентнинг оддий маъмурий марказ эмас, балки замонавий урбанистик тафаккур шаклланаётган мегаполиста айланаётганини кўрсатмоқда.



ШАХРИСАБЗ

туризм, мерос ва хавфсизлик уйғунлашган маскан

Бугунги кунда Шахрисабз нафақат қадимий тарихга эга шаҳар, балки замонавий туризм иқтисодиётининг муҳим марказига айланиб бормоқда. Бир пайтлар Кеш номи билан машҳур бўлган бу маскан бугун ўзининг бой маданий мероси ва янгиланаётган инфратузилмаси билан жаҳон сайёҳларини ўзига жалб этмоқда.

Валишер АБИРОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти в.б., Ph.D.
Озодбек ОЛИМОВ,
университет талабаси.

Шахрисабзнинг юраги ҳисобланган Оқсарой мажмуаси эса нафақат тарихий обиди, балки бутун ҳудуд иқтисодиётининг таянч нуқтасига айланган. Амир Темур томонидан барпо этилган бу муҳташам иншоот бугунги кунда минглаб сайёҳлар оқимини таъминлаб, хизматлар соҳасининг ривожига кучли туртки бермоқда. Шахрисабзнинг бугунги тараққиёти ўз-ўзидан юзага келгани йўқ, 2016 йилда ЮНЕСКО томонидан тарихий марказнинг “хавф остидаги мерос” рўйхатига киритилиши худуд ривожини учун жиддий оғохлантириш бўлди.

Янги Ўзбекистон қиёфасига мос маҳаллалар кўпаймоқда

Маҳаллалар инфратузилмасини тубдан янгилаш орқали аҳолига муносиб шароит яратиб беришга йўналтирилган ҳукумат қарори туфайли “оғир тоифа”га киритилган ҳудудлар обод ва кўркем манзилларга айланиб, шаҳар қиёфасига кирмоқда. Тошкент вилояти ҳудудларидаги 20 дан ортиқ маҳалла ўтган йили ана шундай тоифага киритилган эди.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бўка туманидаги “Қўлдоштепа” ва “Навобод” маҳалла фуқаролар йиғинларида “Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла” тамойиллари бўйича бошланган кенг қўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари туфайли ички йўллар таъмирланиб, асфальт ётқизилди, пиёдалар йўлаклари барпо этилиб, электр қўтиллари алмаштирилди. Хар бир кўча ва хонадонга тоза ичимлик суви кириб борди. Ногирони бор оилаларнинг уйлари таъмирланиб, моддий ёрдам кўрсатилди. Хусусан, “Қўлдоштепа” МФИда 4 минг нафарга яқин аҳоли яшайди. Амалга оширилган ишлар сабабли маҳалла бўйлаб 14 километр масофада ичимлик суви тармоғи тортилди, 3,2 километрдаги марказий кўча ва 2,5 километр ички йўллар талаб даражасига келтирилди. 390 та эски ёғоч устун бетон таянчларга алмаштирилиб, 9 километрга махсус кабель симлари тортилди, 40 та тўнгит ёритиш чирғоғи ўрнатилди ва 12 километр масофадаги газ тармоқлари таъмирланди.



“Оғир тоифа”га киритилган ушбу маҳалланинг яна бир муаммоси – вақтинчалик ишсиз мақомини олган кишилар сони ошиб бораётгани эди. Бу борада ҳам бир нечта истикболли лойиҳалар амалга оширилди. Биринчи навбатда, ишсизлар рўйхати шакллантирилгач, тикиш-бичиш цехи, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устаноналари, новвойхоналар, касб-ҳунар ўргатишга ихтисослашган ўқув маркази каби бошқа кўплаб янги объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу орқали 200 нафардан ортиқ ёшларнинг доимий бандлиги таъминланди. Хозирги кунда ҳам бу йўналишдаги қурилиш ишлари жадаллик билан давом этмоқда.

давлат бюджетидан жами 55 миллиард сўмдан ортиқ тўғридан-тўғри маблағ ажратилди. Бу маблағнинг 40 миллиард сўми тарихий марказни “Смарт Туризм” талабларига мослаштириш, жумладан, тўнгит ёритиш тизимини тўлиқ модернизация қилиш ва кўча-йўл тармоқларини халқро стандартлар даражасига кўтаришга сарфланди.

Бу даврнинг энг йирик иқтисодий лойиҳаси – умумий қиймати 150 миллион доллардан ортиқ бўлган инвестиция пакети ҳисобланади. Мазкур пакетнинг 100 миллион доллари айнан Шахрисабз туманидаги “Мираки” туристик зонасида барпо этилаётган кластерга йўналтирилган. Хозирда бу масканда 20 дан ортиқ замонавий меҳмонхона ва соғломлаштириш мажмуалари ишга туширилди, бу эса ҳудудда йилгига қўшимча 200 минг нафар сайёҳни қабул қилиш имкониятини яратди.

Иқтисодий натижадорлик нуқтаи назаридан, 2024-2026 йиллар оралиғида шаҳарда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳажми ўтган даврга нисбатан 1,5 баробарга ўсди. Бу ўсишнинг асосий драйвери сифатида оилавий меҳмон уйлари сонининг 150 тадан ортиғи ва бу орқали маҳаллий аҳолининг туризм занжиридидаги улуши ошганини кўриш мумкин. Мазкур молиявий ва тизимий ўзгаришлар Шахрисабзни фақатгина “зиёрат маркази”дан, ўзининг мустақил 112 фойзлик иқтисодий ўсиш суръатига эга бўлган барқарор туризм пойтахтига айлантирди.

Шахрисабз бугун яна бир муҳим ҳақиқатни исботламоқда: маданий меросни асраш ва иқтисодий ривожланиш бир-бирига зид эмас. Аксинча, улар бир-бирини тўлдирувчи жараёнлардир. Тарихий обидаларни асраб қолиш орқали ҳудуднинг жозибадорлиғи ошади, бу эса инвестицияларни жалб этади ва туризм оқимини кўпайтиради. Бугунги Шахрисабз – бу ўтмиш ва келажак туташган маскан. Бу ерда қадимий деворлар замонавий инфратузилма билан уйғунлашиб, янги иқтисодий имкониятларни яратмоқда.

Хулоса шунки, Шахрисабз таъжирбаси Ўзбекистон учун муҳим модел бўла олади. Маданий меросни асраш, хавфсиз туризмни ривожлантириш ва оқилона инвестиция сиёсатини уйғунлаштириш орқали нафақат тарихни сақлаб қолиш, балки барқарор иқтисодий тараққиётга эришиш мумкин.

– Шу икки маҳаллани замон талабига мослаштириш юзасидан ўтган йилнинг сентябрь ойида белгиланган лойиҳалар бўйича бунёдкорлик ишлари бошланган эди, – деди Бўка тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи бўлими бошлиғи Мирзохид Мирхолиқов. – Қурувчилар томонидан амалга оширилган кенг қўламли ишлар туфайли бугун бу ҳудудлар қиёфаси тубдан янгиланди.

Вилоят маҳаллалар уюшмасининг туман бўлими раҳбари Зоҳиджон Обидовнинг таъкидлашича, ободонлаштириш ва камбағалликни қисқартириш масаласига уюшма ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. “Навобод” МФИда 658 та хонадон мавжуд бўлиб, 50 га яқин оилада вақтинчалик ишсизлар сони аниқланиб, шу ернинг ўзида ҳудуддаги корхоналар вакиллари иштирокида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Тадбир давомида 80 нафар ёшлар корхоналар ҳисобидан қайта ихтисослаштирилиб, доимий иш билан таъминланадиган бўлди. Яна 20 нафарига ҳудуддаги бўш майдонлардан ижара асосида ер ажратилди ва полиз экинлари экиш учун шароит яратилди.

Шунингдек, 17 та хонадонга банкдан имтиёзли кредит ажратилган бўлса, 3 та оиланинг томорқасида 7 сотихли иссиқхона барпо этилди. 170 та хонадонда эса экинларни доимий равишда сув билан таъминлаш учун 3 та вертикал қудуқ қазилиб, қуёш панеллари ўрнатилди. Маҳалла идораси, тиббиёт пункти реконструкциядан чиқарилди. Шу сингари ишлар туфайли камбағаллик даражаси 3,2 фоиздан 1 фоизга, ишсизлик даражаси эса 3 фоиздан 0 фоизга тушди, маҳалла ишсизликдан ҳоли ҳудудга айланди.

“Қўлдоштепа” МФИда тадбиркорлик имконияти катталиғи учун дастурлар доирасида 33 та хонадоннинг имкониятларидан келиб чиқиб, зарур шароит яратилди ва улар “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” рўйхатидан чиқарилди. 17 нафар фуқарога тадбиркорликни бошлаш учун кўмаклашилди. Уларга ёрдам бериш мақсадида турли соҳа мутахассислари иштирокида семинар тадбирлари уюштирилди.

Яқинда мазкур маҳаллаларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари юзасидан бўлиб ўтган тадбирда қурувчилар меҳнати алоҳида эътироф этилиб, фидойилик кўрсатганлар муносиб тақдирланди.

Ўрта асрлар шаҳарларини урбанизация шароитида реконструкция қилиш (Қарши шаҳри мисолида)

Шоҳбоз НОСИРОВ,
“Урбанизация ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш республика маркази” ДМ Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, лойиҳаларни бошқариш ва таҳлил қилиш бўлими бошлиғи, Тошкент архитектура-қурилиш университети магистри.

Шаҳарлар инсоният цивилизациясининг энг муҳим марказлари сифатида тарих давомида шаклланиб, турли даврларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий хусусиятларини ўзида мужжасам этган. Айниқса, ўрта асрлар даврида ривожланган шаҳарлар ўзининг ўзига хос урбанистик тузилмаси, ижтимоий ташкилоти ва архитектура ечимлари билан ажралиб туради.



сақланиб қолган. Хусусан, тарихий марказ ҳудудининг қарийб 15-20 фоиз қисмида анъанавий квартал тузилмаси (маҳалла) сақланиб қолган. Бироқ сўнгги 10-15 йил ичида замонавий қурилишлар ҳажми йилгига ўртача 3-6 метр-ни ташкил этади, замонавий автомобиль оқими эса кунига 12-18 минг транспорт воситасига етади. Оқибатда тигиз (пик) соатларда тирбандлик даражаси 25-30 фоизга ошади. Шу билан бирга, Жаҳон банки ҳисоботларига кўра, ривожланаётган давлатлардаги тарихий ҳудудларнинг 40 фоиздан ортиғида муҳандислик-коммуникация тармоқлари эскирган. Қарши шаҳрида ҳам сув таъминоти тармоқларининг қарийб 35-45 фоиз қисми 30 йилдан ортиқ мuddат давомида фойдаланиб келинмоқда. Бу эса, реконструкция жараёнини мураккаблаштиради.


Тарихий муҳитни сақлаш масаласида эса нотўғри қурилиш ва реставрация ишлари алоҳида хавф туғдиради. Амалий кузатувларга кўра, Марказий Осиё ҳудудидagi тарихий биноларнинг 20-25 фоиз қисми сўнгги ўн йилликда замонавий материаллар (бетон, пластик дераза ва бошқалар) билан қайта қурилган. Бу эса, уларнинг аутентиклигини сезиларли даражада камайтирган. Шу сабабли, реконструкция жараёнида илмий асосланган реставрация тамойилларига қатъий амал қилиш зарур.

Халқаро таърибга шуни кўрсатадики, тарихий шаҳарларни реконструкция қилишда Historic Urban Landscape ёндашуви самарали ҳисобланади. Ушбу ёндашув 2011 йилда қабул қилинган бўлиб, хозирги кунда 50 дан ортиқ давлатда қўлланилмоқда. Тадқиқотларга кўра, ушбу модел асосида амалга оширилган лойиҳаларда тарихий ҳудудларнинг иқтисодий самардорлиғи 15-20 фоизга, туризм оқими эса 25-35 фоизга ошган.

Қарши шаҳри учун реконструкция стратегиясини ишлаб чиқишда ҳудудий режалаштириш ҳам муҳим ўрин тутади. Амалий жиҳатдан тарихий марказни 200-300 гектар атрофидаги муҳофаза зонаси сифатида ажратиб, унинг атрофида эса 500-700 гектарлик тампон ҳудуд ташкил этиш тавсия этилади. Шу билан бирга, транспорт тизимини оптималлаштириш масаласи ҳам муҳим: пиёдалар ҳудудларини камида 30-40 фоизга кенгайтириш, жамоат транспорти улушини 20 фоиздан 35-40 фоизгача ошириш ва транзит автомобил ҳаракатини 15-25 фоизга қисқартириш орқали тарихий ҳудудларга тушадиган юклама камайтирилади.

Реконструкция жараёнида замонавий технологияларни қўллаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, ArcGIS каби ГИС технологиялари, 3Д моделлаштириш ва рақамли мониторинг тизимлари шаҳарни бошқариш ва режалаштириш сифатини сезиларли оширади. Амалий лойиҳаларда ГИС қўлланилганда режалаштириш хатоликлари 20-30 фоизга камайгани қайд этилган. 3Д моделлаштириш орқали эса реконструкция вариантларини олдиндан баҳолаш натижасида лойиҳа харажатларини ўртача 10-15 фоизга оптималлаштириш мумкин.

Шундай қилиб, Қарши шаҳри мисолида ўрта асрлар шаҳарларини реконструкция қилиш масаласи фақат тарихий меросни сақлаш эмас, балки замонавий урбанизация талаблари билан мувозанатни таъминлашдан иборат мураккаб тизимли вазифадир. Интеграциялашган ёндашув, аниқ рақамли таҳлиллар ва замонавий технологияларни қўллаш ушбу жараённинг самардорлигини таъминлайди.



Озод ва обод юрт фарзанди эканлигимдан фахрландим...



Улуғбек ШАРОБИДДИНОВ,
ЎЗЖОКУ талабаси.

Ижтимоий тармоқларда кўп ўқидим. Чор-атрофимдагилар ҳам хўп айтишди. Ахирий, “Юз марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал” нақлига амал қилдим-да, ҳамманинг тилидан тушмаётган Ислон цивилизацияси марказига бордим.

Тошкент давлат шарқшунослик универси-тети талабаси Шоислом Шапсанов йулбошичи-лигида марказ бўйлаб саёҳатимизни бошладик. Биз гувоҳи бўлган илк манзил – Шон-шараф зали бўлди. Музейлар ва улардаги қадимий экспонатлар ҳақидаги зерикарли тасаввурларим илк залдаёқ йўққа чиқди. 14 та ярим овал шаклидаги равоқда халқимизнинг энг буюк алломалари ва тарихий сиймолари микро-мозаика услубида тасвирлангани мендан бош-қаларни ҳам ҳайратга солаётганди.

Марказ заллари ва экспонатлар ҳақида ба-тафсил ёзмаганимнинг сабаби – бориб кўрган-лар учун таърифлашни ҳожати йўқ, энди бора-диганларнинг қизиқишини эса сўндирмай қўя қолай. Мухими, илк таассуротим саёхат охирига қадар ўзгармади, янада бойиди холос.

Ҳақиқатдан ҳам, Ислон цивилизацияси мар-кази Ўзбекистон Республикасида амалга оши-рилган энг йирик илмий-маърифий ва маданий лойиҳалардан бири бўлди. У ислон тамадду-нининг кечмишини чуқур ўрганиш, сақлаш ва халқаро миқёсда тарғиб этишга хизмат қили-ши билан аҳамиятлидир. Қувонарлиси, Ҳазрати Имом мажмуаси худудида жойлашган марказда миллий ўзлик, тарихий хотира ва замонавий илм-фан уйғунлигини кўриш мумкин.

Яна бир нарсa, марказнинг ҳар бир бўлимида

тарихий артефактлар ва қўлёзмалар намоиш этилгани ҳам биз учун янгилик бўлди. Интерак-тив технологиялар ҳамда мультимедиа восита-лари орқали ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб топишингиз, қўшимча маълумотлар оли-шингиз мумкинлиги эса айрим “сабрсиз” ёшлар учун аини муддао экан. Аммо ҳар тўқисда бир айб деганларидек, бу ақлли кўмакчилар ҳам баъ-зи камчиликлардан ҳоли эмас. Баъзи уринларда берилган тавсифларда услубий хатолар кўзга ташланади. Бунн кўриб, инсон ёзган матннинг техникадаги ифода бойлиги, ўқилиш темпи бош-қача бўлишини яна бир карра англаб етдим.

Менга энг ёққани, Қуръони Карим зали бўлди. Бу ерни иштиёқ билан томоша қилдим. Уртада Усмон Мусхафи жойлаштирилган. Шу-нингдек, Сомонийлар, Темурийлар ва бошқа сулолалар даврида кўчирилган Қуръон нусха-лари ҳам бор. Вертикал баландлиги 65 метр бўл-ган улкан гүмбаз ва йирик қандил залга янада улугворлик бағишлайди.

Қисқача айтганда, Тошкентнинг қоқ мар-казида яна бир гўзал ва мафтункор мажмуа қад ростлаганидан хурсанд бўлдим. Нақадар ба-савлат, маҳобатли ва мухташам иморат. Кўриб кўзинг қувнайдн. Аини шу лаҳзаларда озод ва обод юртнинг фарзанди эканлигимдан яна бир карра фахрландим...



Ислон цивилизацияси маркази ички кўриниши.

Инсон дунёга келиб, яшаш давомида атроф-муҳитдаги ходисаларни ўрганиш орқали тажрибасини ошириб боради. Билим эгаллаб, илм ўрганиб, устоз даражасига эришгунга қадар эса қанча сувлар оқиб ўтади.

Жиззах политехника институтида меҳнат қилиб, жамоадошлари орасида обрү-эътибор қозонган ва талабаларнинг илм эгаллашига катта ҳисса қўшган устоз Исроил Бозоров ҳам кўпчиликнинг қалбидан жой олган инсонлардан бири эди.

Қурилиш соҳасида таълим берган устоз эди...

Камол АБДУСАМАТОВ,
Жиззах политехника институтининг
Қурилиш материаллари ва конструкциялари
кафедраси доценти, т.ф.ф.д. (PhD).

Исроил Бозоров 1954 йилда Самарқанд вило-яти Пайариқ туманида таваллуд топган. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, Тошкент политехника институтига ўқишга киради ҳамда 1980 йилда мазкур институти муҳандис-технолог мута-хассислиги йўналишини тамомлайди.

Меҳнат фаолиятини 1980 йилда Тошкент политехника институти Жиззах филиали қури-лиш фанлари кафедраси ассистенти сифатида бошлаб, 2020 йилгача ушбу таълим даргоҳи-нинг қурилиш материаллари, буюмлари ва кон-струкциялари технологияси кафедраси муди-ри, кафедра катта ўқитувчиси лавозимларида ишлаган.

Олий таълим соҳасида 40 йилдан зиёд вақт мобайнида фаолият юритган Исроил Бозоров талабаларга билим бериш, тарбиялаш, дунёқа-рашини шакллантириш, мутахассислик илм-ларини ўргатишдан чарчамаган. Кейинчалик



кимё ва кимёвий технологиялар, меҳнат ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси кафедраларида катта ўқитувчи каби бошқа лавозимларда фаолият юритганда ҳам касбига масъулияти, меҳнат-кашлиги билан ҳурмат қозонган.

Бугунги кунда Исроил Бозоров таълим бер-ган собиқ талабалар юртимиз қурилиш ва бун-ёдорлик соҳаларига ҳисса қўшиб, устознинг берган билимларини оқлаб келмоқда. Улар қаторида республикаимиз қурилиш индустрия-сининг турли соҳаларида фаолият юритаётган етуқ муҳассис ва раҳбар ходимлар ҳам борлиги қувонарли, албатта.

Шунингдек, бугунги кунда Жиззах политех-ника институтининг профессор-ўқитувчилари ҳам устоз Исроил Бозоровнинг маслаҳатларини ёлда тутган ҳолда талабаларга таълим-тарбия бериб келмоқда.

Меҳнат жамоаси раҳматли Исроил Бозоров-ни чуқур билим ва салоҳиятга эга, ҳар қандай муаммонинг жўяли ечимини топишда вақтини амайдиган, изланувчан устоз сифатида ҳеч қа-чон унутмайди...

“Долзарб 30 кун” ойлиги қизғин ўтмоқда

Май ойда республикаимизда фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган “Долзарб 30 кун” тадбири ўтказилмоқда.

Иззат ЮЛДОШЕВ,
Амударё тумани ФВБ инспектори, катта лейтенант.

Ундан қўзланган асосий мақсад – ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг ёнгин хавфсизлиги масаласидаги билим ва қўни-маларини ошириш ҳамда шахсий хавфсизлик маданиятини янада оширишдир. Шунинг-дек, иқтисодийёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектилари, кўп қаватли уйлари ўт балосидан асраш борасидаги меъёрий талабларга риоя этиш масаласи ҳам кун тартибда.

Тадбир талабига мувофиқ, Қорақалпоғис-тон Республикаси Амударё туманида ҳам барча соҳалар қамровида ўқув-семинарлар, махсус тактик машғулотлар ўтказилмоқда. Аиниқса, кўп қаватли уйларида яшовчи аҳоли учун алоҳи-да режа ишлаб чиқилган бўлиб, БСК раҳбарлари билан ҳамкорликда мавзуга дахлдор амалий машғулотлар ташкил этиляпти.

Кўп қаватли уйларида яшовчи аҳоли учун махсус режа тайёрланганининг боиси – акса-рият ёнгинлар шу жойларда солидн бўлаётга-нидир.Туман худудида янги қурилган ва бунёд этилаётган кўп квартирالي уйлардан ташқари, 30 га яқин икки қаватли турар жойлар ҳам мав-жуд бўлиб, уларда иситиш тизими ишламайди. Мутахассисларнинг огоҳлантиришларига қа-рамасдан, аҳоли газ билан ишлайдиган ноқо-нуний ускуналардан яширинча фойдалангани оқибатида ёнгин келиб чиқмоқда.

Мисол учун, кўп қаватли уйлари тўғри сақлаш ва яшаш тарзига амал қилмаган Фарҳод Ганжиев (исм-шарифи ўзгартирилди) мутахас-сисларнинг тавсиясиз қурилиш меъёри ва қоидалари талабини бузган ҳолда Эрон давла-тида ишлаб чиқарилган, ўрнатилш ҳамда фой-даланишга доир техник паспорти ўзбек ёки рус тилига таржима қилинмаган “камин” газ ускунасини ўзи тушунмаган ҳолда хонадонига улаган. Оқибатда, ёнгин чиқиб, хонадондаги бар-ча жиҳозлар ёниб кетганидан ташқари, қўшни-ларнинг хонадонларига ҳам жиддий зарар етди.

Фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари ўз вақтида етиб келмаганида, ёнгин авжига чиқиб, одамларга ҳам зиён етказиши мумкин эди. Ёнг ачинарлиси, ушбу кўп қаватли ўй яқинда капитал таъмирдан чиқарилган эди. Унинг том қисми ва деворлари яна қайтадан таъмирталаб бўлиб қолди.

Хозирда туман фавқулодда вазиятлар бў-лими ҳар 6 та кўп қаватли ўйга бир нафардан ходим бириктирди. Улар аҳоли билан суҳбат ва машғулотлар ўтказишмоқда.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин! 2026 йил 20-22 май саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Кўп хона-донли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуа-тация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлашти-риш департаменти бош мутахассиси (Наман-ган вилояти бўйича) **Аъзамжон Жалилов**, Хў-жалик ишлари бўлими етакчи мутахассиси **Ўзбекхўжа Аслонов**, Стратегик режалашти-риш ва ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи **Азизхўжа Азизов**,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳқа-маси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспек-цияси Кўп квартиралы уйлариинг сейсмик мустаҳкамлиги ва зилзилабардошлиги мони-торингини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Абдужалил Отабоев**, “Qishloqqurollishloiyha” ДМ бош бухгалтери **Эмма Югай**,

“O'zshaharsozlik LIT” ДМ Шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 2-устахонаси лойиҳа бош архитектори **Равшан**

Мамарасулов, 10-устахона техниги **Гулноза Мирзаева**,

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжали-ги бўлими бош архитектори **Жавоҳир Ўрозбоев**, Бўзатов тумани қурилиш ва уй-жой комму-нал хўжалиги бўлими бош архитектори **Айбек Жалғашов**, Давлат хизматларини кўрсатиш бў-лими етакчи мутахассиси **Шаҳзод Ҳайитбоев**, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахас-сислари **Икрам Сатуллаев**, **Тимур Бегиллов**, “Иссиқлик таъминоти” АЖ раис ёрдамчи-си **Сардор Ҳайитов**, “ Андижон” филиали ава-ри хизмати таъмирлаш-тиклаш бўлим катта устаси **Азизилло Содиқов**, “Бухоро” филиали назоратчи **Гўзал Холиқова**, “Самарқанд” фи-лиали насос қурилмалари машинистси **Ортиқ Омонкулов**, “Навоий” филиали иссиқлик тар-моқлари жиҳозларини таъмирлаш бўйича чи-лангари **Сирожиддин Бобоқулов**, назоратчи **Сарвиноз Исроилова**, “Тошкент вилояти” фи-

лиали эксплуатация ва қурилиш бўлими метро-логи **Искандар Холмуродов**, “Чирчиқ” филиали мутахассиси **Луиза Миртурсунова**, “Тошкент тумани” филиали назоратчи-хисобга олувчиси **Назокат Турдохунова**,

Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш соҳаси Фахрийлар кенгаши раиси **Ко-зим Тулганов**,

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги “БК касандра сервис” МЧЖ бош директори **Ерлан Садуев**, Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги “Янги Урганч ПБК” МЧЖ бош директори **Гуло-ра Ҳамраева**, Тошкент шаҳар Юнусобод тума-нидаги “PRO service MANAGEMENT” БСК МЧЖ бош директори **Артём Секинаев**, “Минор Грант капитал” БСК МЧЖ бош директори **Ҳамид Каримовни** таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

“Zamonaviy realtor xizmati” масъулияти чекланган жамият

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган электрон-онлайн очик аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Кўқон туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 4 июлдаги 4-1502-2502/4960-сонли ишнинг ҳал қи-лувчи қарорига асосан банкрот, деб эътироф этилган “Vodiy Sadosi” фермер хўжалиги суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 18 май-даги 35-сонли алоқа хатига асосан қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

Фарғона вилояти Учкўприк тумани, Оқ-сув массиви манзилида жойлашган “Vodiy Sadosi” фермер хўжалигига тегишли **ер сат-хи майдони** – 17995 гектардан иборат бўлган ўрик боғи ва **ер сатхи майдони** – 4,0 гектар-дан иборат бўлган гилос боғи, **умумий май-дони** – 21,995 гектар ер участкаси, **кадастр рақами** 15:12.000009509 бўлган боғдорчилик йўналишидаги мевали боғлар ҳамда **қурилиш майдони** – 1 800 квадрат метрда жойлашган, 0001-0009-литерлардаги **кадастр рақами:** 15:12.08.01:14.0018 бўлган бино иншоотлар. **Мулк-ий мажмуа сифатида бошланғич нархи** – 6 210 701 353,00 сўм.

Аукцион савдо 2026 йил 9 июн куни online-putk.uz платформасида бўлиб ўтади. **Ариза-ларни рўйхатдан ўтказиш муддати:** 2026 йил 8 июнь куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги мулклар 2026 йил 9 июнь куни сотилмаган тақдирда, кредиторларнинг йиғи-лиш қарорига асосан 15 кунлик оралиғидаги такрорий савдоларга қўйиб борилади. Такро-рий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати савдо кунидан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 (ишгирма) банк иш кун ичнда со-тувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш юкатилади.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 10 фо-изидан кам бўлмаган миқдорда закалат пу-лини “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдода рўйхатдан ўтиб тўлашлари лозим: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Фарғона вилояти Фарғона шаҳар, Г. Фармонов кўчаси, 13-уй.

Телефон: +99890 307-07-33, +99891 675-97-79, +99890 407-07-62.

“O‘ZBEKISTON BUNYODKORI”

ГАЗЕТАСИГА
2026 йил учун
обуна даром
этмоқда!

- uzbunyodkor.uz
- info@uzbunyodkor.uz
- uzbunyodkor
- t.me/uzbunyodkor
- uzbunyodkor
- qurilish.today

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
O'zbekiston bunyodkori
Строитель Узбекистана

Тахрир хайъати:
Шерзод Хидоятлов (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адилов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Козим Тулганов, Юлдаш Мағрулов, Бобир Эмүрөдов, Илхом Ахмедов.

Тахририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Наشرіёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“Ўзбекистон бунёдкори” Наشرіёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “ЎзГАНҚЛИТИ” МЧЖ, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” МЧЖ, “Қишлоқ қурилиш индест” ИК МЧЖ, “ЎзгеоранментЛИТИ” ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Худудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.

Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 541. 1368 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. **Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

ЎЗА якуни – Топширилди – 2300.